

Сайёр қабул: Фуқароларнинг муурожаатлари тингланди



Термиз тумани ҳокими Шухратжон Уринов томонидан 1-Сектор штабида такрорий муурожаатлар қилиб келаётган туман фуқаролари билан сайёр қабул ўтказилди. Сайёр қабулда туман прокурори Ботир Олтибоев, туман Халқ қабулхонаси мудир Отабек Норматов ҳамда фуқароларнинг муурожаатларидаги масалаларга масъул корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Сайёр қабулда фуқароларнинг муурожаатлари масъуллар иштирокида тингланиб, кўтарилган ҳар бир масала ўрганиб чиқилди. Фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалаларнинг асосий қисми ижтимоий таъминот, уй-жой билан таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан боғлиқ масалалар бўлиб, муурожаатларга масъуллар томонидан олдин ҳам таклифлар кўрсатилиб, тушунтиришлар берилган.

Ҳар бир муурожаат юзасидан туман ҳокими масъулларга аниқ вазифаларни белгилаб бериб, фуқароларга қонуний муурожаатлар белгиланган тартибда ҳал этилишини маълум қилди.

Ҳар бир муурожаат туман Халқ қабулхонаси томонидан назоратга олинди.